*Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби*

# МИКРОИҚТИСОДИЁТ, МАКРОИҚТИСОДИЁТ

***Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби орқали кўплаб мутахассисларнинг назарий сабоқларини бериб бораётганлигимиз туфайли унинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бу галги дарсимизда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти «Тўқимачилик ва енгил саноат иқтисодиёти ва менежмент» кафедраси мутахассисларининг «Микроиқтисодиёт», «Макроиқтисодиёт», «Бозор» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар» ҳақидаги маълумотларини эътиборингизга ҳавола этамиз.***

● МИКРОИҚТИСОДИЁТ — корхона, ташкилот, жамоаларда ишлаб чиқариш фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган иқтисодий кўрсаткичларни назарда тутади. У нарх, якка тартибдаги бозор ва унинг турлари, талаб ва таклиф, нархлар ва харажатлар ўртасидаги нисбатга ва ишлаб чиқаришга ўз таъсирини ўтказади.

● МАКРОИҚТИСОДИЁТ эса иқтисодиётнинг ялпи ҳолатини назарда тутади. Унинг кўрсаткичлари: ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад, инфляция даражаси, нархлар даражаси, ишсизлик даражаси, банклар тўлайдиган фонд ставкаси ва бошқарувдан иборатдир.

Ҳозирги кунда иқтисодий ислоҳотнинг асосий вазифаларидан бири — макроиқтисодиётни барқарорлаштиришдир.

● БОЗОР — иқтисодиётимизнинг бир соҳаси бўлиб, унда товар муомаласи, товарнинг пулга ва аксинча пулнинг яна товарга айланиш жараёни амалга оширилишидир. Бозор иқтисодиётининг турли соҳаларда ишлаб чиқарилган товарларни сотиш ва сотиб олишнинг ўзаро боғлиқ актлари мавжуд.

Бозорда хизматлар ва товарнинг эркин ҳаракатини муассаса ва ташкилотлар, банклар, биржалар, ярмаркалар, суғурта компаниялари, консультация ва ахборот фирмалари мавжуддир. Унда айирбошлаш объектининг моддий шакли жиҳатидан олганда истеъмол товарлари ва хизматлар, ишлаб чиқариш воситалари, инвестиция, қимматли қоғозлар, илмий ғоялар, техникавий ишланмалар ва меҳнат (иш кучи) кўринишларга бўлинади.

Бозор айирбошлаш миқёси жиҳатидан маҳаллий, минтақавий, миллий ва жаҳон бозори, ички ва ташқи бозорлар шаклида намоён бўлади.

Ташқи иқтисодий алоқа ҳам юқоридаги фикрларимизга ҳамоҳангдир. У корхона, фирма, ташкилот ва давлатнинг чет эллар билан иқтисодий муносабатлари: товар, хизмат, пул ва меҳнат воситалари, технологик, бошқариш ва илмий-ахборот тажрибалари, туризмнинг мамлакатлараро ҳаракатида намоён бўлади.

Ташқи иқтисодий алоқа халқаро савдо ташқи алоқалар системасида етакчи ўринни эгаллайди.

*Ўзбекистон ва жаҳон*

# «ДОЙЧЕ БАНК» — МАМЛАКАТИМИЗДА

***Германия фақат буюк бастакорлар, мутафаккирлар, шоирлару саркардалар юрти эмас, балки ривожланган саноат, юксак маданият ва салмоқли сармоя ўлкаси. Европани юрагида жойлашган бу мамлакатда хусусий банкларнинг ўзи саксондан зиёд. Улардан бири «Дойче банк»дир.***

Дунёдаги нуфузли банклардан бири бўлган «Дойче банк» ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади: йил мобайнидаги сармоя баланси 720 миллиард немис маркаси миқдорида бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1994 йили 2,1 миллиард немис маркасини ташкил этди. «Дойче банк»нинг ўз сармояси 1995 йил давомида 2,2 миллиард немис маркасига кўпайиб, ҳозир 28 миллиард немис маркасини ташкил этмоқда.

Жаҳоннинг етакчи тижорат банклари жумласига кирувчи «Дойче банк» (1870 йилда ташкил топган) Германияда ва жаҳоннинг турли мамлакатларида шўъбалари ҳамда ҳиссадорлик компанияларига эга бўлиб, мижозларига барча турдаги замонавий банк хизматлари кўрсатади. Банк сармояларни сақлаш ва қарз бериш каби одатий банк хизматлари билан бир қаторда сармоя билан боғлиқ турли битимлар тузади ва қимматбаҳо қоғозлар савдоси билан шуғулланади, шунингдек корхоналарни хилма-хил тарзда молиявий таъминлайди.

Айни замонда банк бир неча йил муқаддам компаниялар фаолияти билан боғлиқ масалаларда маслаҳат хизматларини кўрсатиб, мижозлар билан ҳаётни суғурта қилишга оид шартномалар туза бошлади. 1993 йилдан эса бошқа турдаги суғурта хизматлари ҳам таклиф қилинмоқда. Банк мижозлари орасида ҳуқуқий шахслар, фирмалар, корпорациялар, сармоядор муассасалар, банклар бор.

Банк кичик ва ўрта фирмалар ва корпорацияларга ҳамиша алоҳида хайрихоҳлик билан қараб келади.

«Дойче банк» Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг қатор марказларида, жумладан Тошкентда ҳам ўз ваколатхонасига эга. Тошкентдаги ваколатхона Ўзбекистон билан биргаликда Тожикистон ва Туркманистондаги мижозларга ҳам баҳоли қудрат хизмат кўрсатиб келмоқда.

«Дойче банк»нинг Тошкентдаги ваколатхонасига жаноб Удо Берггольц раҳбарлик қилади. Германиянинг Гамбург шаҳрида таваллуд топган Удо бир неча йиллар мобайнида Россиядаги банк ваколатхоналарида хизмат қилган. Шунинг учун рус тилида деярли эркин сўзлаша олади.

Удонинг гувоҳлик беришича, «Дойче банк» мустақил, қисқа ва узоқ муддатли омонатлар мутлақо хавфсиз сақланадиган жаҳондаги учта банкдан бири сифатида эътироф қилинган. Бу билан фахрланамиз, дейди Удо мамнуният билан.

1993 йилдан буён иш олиб бораётган «Дойче банк»нинг Тошкентдаги ваколатхонаси воситачилигида ўтган 1995 йилда мамлакатимизга Германиядан озиқ-овқат, металлургия, қишлоқ хўжалиги учун зарур қиймати 115 миллион марка турадиган замонавий асбоб-ускуналар харид қилинди. Немис тижорат банклари 1995 йилда Ўзбекистонга берган қарз пулларининг 57 фоизи айнан «Дойче банк» орқали ўтказилди.

Кези келганда, қўшимча қилиш керакки, Германия саноати ривожланган етакчи давлатлардан бири, умумий иқтисодий ҳажмига биноан эса дунёда учинчи ўринни эгаллайди. Жаҳон савдо-сотиғида эса ҳаттоки иккинчи ўринда туради.

Жаноб Удо Берггольцнинг айтишича, Германияда нефть ва газ каби қимматбаҳо қазилма бойликлари йўқ. Аммо немисларнинг ишбилармонлиги, етти ўлчаб бир кесиши, японлар каби меҳнатсеварлиги, ҳар бир ишни бошлашдан олдин чуқур мулоҳаза қилиб кўришлари натижасида бир аср давомида иккита жаҳон урушини бошдан кечирган бўлишига қарамасдан Германияни етакчи давлатлар сафида тутиб турган фазилатлари жумласига киради.

— Бирон бир ишни бошлашда асло таваккалчилик қилмаймиз, — дейди жаноб Удо Берггольц. — Аксинча, мавжуд муаммоларни, ҳаттоки келгусида пайдо бўлиши мумкин жумбоқларни ва уларни ҳал қилиш йўлларини пишиқ-пухта ўрганиб чиққанимиздан кейингина ишга киришамиз. Ишга киришдикми, тамом, бизни ниятимиздан ҳеч ким ва ҳеч нарса қайтара олмайди. Чунки немис халқи табиатан шундай: қиламан деган ишни албатта қилмасдан қўймайди.

«Дойче банк» келишилган аҳдлашувларга биноан Ўзбекистон банклари ва уларнинг мижозларига жаҳон миқёсида, шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида банк хизмати кўрсатиб келмоқда. Тўловлар табиийки, немис маркаси ёки америка доллари ҳисобида амалга оширилади.

Жаноб Удо Берггольц Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий ҳолатига баҳо берар экан, нисбатан яхшиланиб бораётганини банк хизматчиси сифатида эътироф этди. «Ўзбекистоннинг келажагига қандай қарайсиз», деган саволимизга эса «Келажаги порлоқ бўлмаганида «Дойче банк» Тошкентда ўз ваколатхонасини очмаган бўларди», — деб кулиб қўйди.

Дарҳақиқат, қатор халқаро ташкилотлар каби йирик «Дойче банк»нинг мамлакатимиз пойтахтида самарали фаолият олиб бораётганлиги эртанги кунимизга комил ишонч билан қарашимиз учун яна бир асос бўла олади.

Абдуҳамид ПАРДАЕВ,
Мирзаали АКБАРОВ.

*Мулкни — ҳақиқий эгасига*

# ЕР МАЙДОНИ БИЛАН

***Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳотларнинг асоси бўлиб, у қатор йўналишларни қамраб олади. Хусусан, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаларини жойлашган ер участкалари билан сотиш ушбу йўналишнинг асоси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилнинг 11 апрелидаги қарори бунга йўлланма бўлиб хизмат қилади.***

Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ушбу масала бўйича муайян ишларни амалга оширди. Ташкилотларнинг талабномаларини кўриб чиқиш механизми ишлаб чиқилди. Туман ҳокимлари билан бирга хусусийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари раҳбарлари иштирокида бир неча бор йиғилишлар ўтказилди. Унда ер участкаларини сотиш тартиби, шартлари, тўлов муддатлари ва афзаллиги тушунтирилди. Натижада кўпгина корхоналар ер участкаларини сотиб олишга талабномалар топширдилар.

Лекин, 1995 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланган Тошкент шаҳрида 300 та савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари жойлашган ер участкаларини 1996 йил давомида сотишга эришилмай қолинди. Бунинг асосий сабабларидан бири, хусусийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси мажмуаларнинг кўпчилигини оғир иқтисодий аҳволда эканлигидадир. Иккинчидан, улар яқиндагина мустақил ҳуқуқий шахс сифатида иш бошлаган бўлиб, қийинчилик билан ўз ҳаражатларини қоплашаяпти. Ҳозирда ер участкаларини сотиб олиш учун етарли маблағга эга эмаслар. Қолаверса ҳар бир квадрат метр ер участкаси учун нархнинг баландлигига қарамасдан, ер участкасининг харид тўловини киритиш муддати ўта қисқалиги ҳам бунга тўсқинлик қиляпти. Амалдаги тартибга мувофиқ ер участкасини сотиб олишни хоҳлаган корхона томонларнинг ўзаро мажбуриятлари тўғрисидаги битим-шартномаси имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида ернинг умумий нархи 30 фоизини тўлаши керак. Қолган 70 фоизини эса олти ой давомида тўлайди.

Ҳозирги вақтда ҳар бир квадрат метр ер участкасининг нархи участка жойлашган ҳудудий-иқтисодий зонага қараб (Тошкент шаҳри 14 та ҳудудий-иқтисодий зонага бўлинган) 584 сўмдан 6424 сўмгача қилиб белгиланган. Лекин хусусийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларининг раҳбарлари, ер участкаларининг ижарачилари ва эгалари ўртасидаги фарқ тўғрисида тўлиқ тушунчага эга эмасликлари ишнинг белига тепяпти.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасига мувофиқ ер эгалари ундан мавжуд хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, ер участкасида кенг ёйилган фойдали қазилмалар, ўрмончилик, кўллар, суғориш тармоқлари, шунингдек, ернинг ўзига хос бошқа фойдали жиҳатларидан фойдаланиш, уй-жой иншоотлари қуриш, ишлаб-чиқариш, маданий-маиший ва бошқа қурилишлар, ер участкасини ёки унинг бир қисмини вақтинчалик фойдаланишга бериш каби мустақил хўжалик фаолиятини юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундан ташқари 14-моддага асосан, ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер участкалари эгалари розилиги билан мустақил бошқарув органлари ва ҳукумат органларининг қарорлари бўйича уларнинг ваколат доирасига мувофиқ амалга оширилади.

Мустақил бошқарув ва маҳаллий ҳукумат органларининг шунга мос қарорлари билан ер эгаси рози бўлмаса, у бу қарор бўйича судга мурожаат қилиши ва масалани суд тартибида ҳал қилиши мумкин.

«Ер тўғрисида»ги қонуннинг 50- моддасига асосан, ер эгасига келтирилган зарар (олинмаган фойдани қўшиб) қуйидаги ҳолларда тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим: масалан, ер вақтинча эгалланганда ёки олиб қўйилганда, алоқа ва электр таъминоти тармоқлари, қувур тармоғи, йўллар, чиқиндилар, каналлар, дарё қирғоқлари, дам олиш масканлари, сув таъминоти манбалари, сув омборлари, табиат ёдгорликлари, миллий (табиий) боғлар, давлат қўриқхоналарининг атрофлари, қисқаси белгиланган ҳимоя, санитария ва қўриқланувчи зоналар билан боғлиқ ҳолда уларнинг ҳуқуқлари чекланганда келтирилган зарар тўлиқ қопланади.

Шунингдек, қуйидагини эслатиб ўтиш лозимки, ер солиғи тўғрисидаги қонунга асосан ер участкаларининг эгалари фақат ер солиғини тўлайдилар, ер участкаларини ижарага олган ташкилотлар эса ер солиғидан уч маротабагача ошиқ бўлган ижара ҳақини тўлайдилар.

Ўйлаймизки, хусусий ва жамоа корхоналари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа нодавлат тузилмалар, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоғи раҳбарлари ер участкаларини сотиб олиш масаласига кенг эътиборни қаратадилар. Мавжуд имкониятларини тарозига солиб ер участкасига эгалик қилишнинг фойдаси хусусида ўз хулосаларини чиқарадилар.

Б. ОБИДОВ,
*Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги Ер участкалари ва уй-жойларни хусусийлаштириш хўжалик ҳисобидаги Маркази директори вазифасини бажарувчи.*

*Истеъмол бозорини тўлдириш йўлида*

# «НАРГИЗАБОНУ»НИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

***Бир неча йилдан бери ўзига масъул вазифа — халқимизни девонхона маҳсулотлари билан таъминлашдек мажбуриятни олган «Наргизабону» кичик корхонаси бу йил ҳам янги 1996-1997 ўқув йилига катта тайёргарлик кўрмоқда.***

— Асосан 30 дан ортиқ ўқув қуроллари, 50 дан ортиқ девонхона маҳсулотларини Ўзбекистон истеъмол бозорига етказиб келиш бўйича муттасил ишламоқдамиз, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Ғиёсов. — Мазкур товарларни кўпроқ Покистон, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа ривожланган мамлакатлардан келтирамиз. Маълум қисмини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан ҳам оламиз. Кўз тегмасин, ўтган йили Чилонзор тумани ўрамидаги барча мижозларимизни ўқув қуроллари ва девонхона маҳсулотларига бўлган талабларини тўла-тўкис қондирдик. Муҳими, мижозларимиз хизматимиздан мамнун. Айниқса республикамиз қишлоқларидан келиб, маҳсулотларимизни харид қилаётган дўстларимиз ҳам биздан миннатдор.

**— Бахтиёр ака, сизнинг бу саъй-ҳаракатларингиз беиз кетмаганидан хабардормиз. «Аълочи тадбиркорлар» тошлавҳасида суратингизни кўриб, биз ҳам қувондик.**

— Тадбиркорлик билан шуғулланган кам бўлмайди. Биз фақат ана шу фаолиятимиз билан чекланиб қолмай, балки бошқа соҳаларда ҳам иш кўраяпмиз. Шу кунларда Белоруссиянинг «Горизонт» заводи билан ҳамкорликда телевизор йиғув цехи ташкил қилиш устида ишлаяпмиз. Бунинг учун республикада имкониятлар етарли, деб ўйлайман. Тошкент шаҳрининг ўзидаги «Оникс», «Фотон», Самарқанддаги «Кинап», Андижон ва шунга ўхшаш вилоятларда аввал ташкил этилган корхоналар кўмагида иш олиб бориш мумкин. Аввалига оқ-қора тасвирли, сўнгра рангли тасвирли телевизорлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Шунда ўзимизда ишлаб чиқарилган транзистор, регистор ва шунга ўхшаш майда деталлар ҳам эгасини топади. Воронеждан эса катта микросхема, кинескоп, Белоруссиядан корпус каби эҳтиёт қисмлари келтирилади. Хуллас, ишлайман деганга, бир дунё иш маҳтал. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳам бизни янада кўпроқ, янада сифатли ва мазмунлироқ ишлашга даъват этмоқда. Насиб қилса, шулар таркибида аста-секин ўқув қуроллари ва девонхона маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқаришга ҳам эришармиз. Асосий мақсадимиз ҳам шу! Топган даромадимиз ҳисобидан республикада кичик-кичик ўқув қуроллари ва девонхона маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар барпо этиш.

**— Бу маҳсулотларингиз асосан қаерда сотилади? Махсус дўконларингиз ҳам борми?**

— «Бешёғоч» бозори ўрамидаги «Чилонзор» супермаркетида ҳамда метронинг Собир Раҳимов бекати яқинидаги «Юқори Дархон» бозорида фирма дўконларимиз мавжуд. У ердан истаганча харид қилиш мумкин.

Зоир ТУРСУНОВ.










***Яккасарой туманида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналардан бири «Абдурашид» ғишт ишлаб чиқариш хусусий корхонасидир. Бу корхонада турли хилдаги ғиштлар ва елим ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулотлар Тошкент шаҳри туманларига ва Тошкент вилояти аҳолисига шартнома асосида жўнатилади. Сиз суратда кўриб турган маҳсулотлар ҳар куни бош муҳандис Мовжуда Одилматова ва Муртоз Расулхўжаев ҳамда бошқа ишчи вакиллари томонидан текшириб чиқилиб, сўнг машиналарга ортишга рухсат этилади.***

***Рашид Галиев олган суратлар.***

*Иш билганга — минг танга*

# ИССИҚ ВА БЎРСИЛДОҚ НОНЛАР

***Шаҳримизда ташкил топаётган кичик корхоналарнинг кўп қисмини нон ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этаяпти десак янглишмаймиз. Азалдан «Тошкент — нон шаҳри» номи билан аталган, бугунги кунда ҳам шаҳарликлар шу номга содиқ қолиб меҳнат қилишаётир.***

Маълумки «Тошкент нон» уюшмасига қарашли 30 дан зиёд кичик нон корхоналари мавжуд. Уларнинг барчасида кичик ҳажмда, лекин сифатли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Мавжуд корхоналарнинг бирига Гулчеҳра Ҳошимова раҳбарлик қилади. У нон корхоналари бошлиқлари ичида ягона раҳбар аёлдир. Гулчеҳра опа ташкил этган кичик корхонасининг номини фахр билан «Тутзор» деб қўйди. Бунинг, албатта ўзига хос рамзий маъноси бор. Ҳозирги кунда фақат Шайхонтоҳур тумани аҳолиси эмас, қўшни Акмал Икромов, Собир Раҳимов ва Юнусобод туманларидан келаётган харидорлар «Тутзор»нинг иссиқ нонини хуш кўришмоқда.

— Корхонамизда 25 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Дастгоҳларимиз тўхтовсиз ишлаганлиги туфайли ишни уч сменада ташкил этганмиз. Мана шу уч смена давомида 8 тонна қолипланган нон, 2 тоннадан зиёд 15 турдаги булочка маҳсулотларини тайёрлаяпмиз. Кундалик савдо жараёнида энг аввало харидорлар талаби ўрганилади. Қайси нон турига ёки булочкага талаб кучли бўлса, ана шунисидан кўпроқ ишлаб чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Иш фаолиятимизни бошлаганимизга эндигина бир йил тўлаётган бўлишига қарамай ҳозирги кунда шаҳримизнинг 41 та озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда нон маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконларини шартнома асосида нон билан таъминлаймиз. Биргина Акмал Икромов туманидаги «Б.Қодир» жамоа дўконига 2300 дан зиёд, Шайхонтоҳур туманидаги 9-дўконга 1200 дан зиёд қолипланган нон жўнатиб турамиз.

Нон ва нон маҳсулотларимизни янада сифатли чиқиши учун саралаган унлардан фойдаланамиз. Бу ишда бизга «Одил дон» ва «Олтин бошоқ» акционерлик жамиятлари яқиндан ёрдам беришаётир. Уннинг сифати яхши бўлса, ноннинг тайёрланиш технологияси таркибини бузмасдан ҳар бир керакли маҳсулотни ўз меъёрида солинса, шак-шубҳасиз мазали нон пишириб олишга тўла ишонч бўлади. Корхонамиз цехига ўрнатилган замонавий технологиялар «Винклер» ФТЛ-2 печлари ёрдамида мана шу мазали ва иссиқ нонларни тайёрлаяпмиз. Бу технологияларнинг қонун-қоидаларига ҳамда хамир тайёрлаш технологиясига қатъий риоя этилса, кутилганидан ҳам зиёда мазали нонлар пишириб олиш мумкин. Кундалик иш тажрибамизда бунинг шоҳиди бўлмоқдамиз.

Тадбиркорлик асосида иш тутиб, халққа нафимиз тегсин деган мақсадда меҳнат қилаётган эканмизми, демак ҳар бир нарсани қойилмақом қилиб адо этиш керак. Ана шундагина иссиқ нонларимизнинг харидори кундан-кунга кўпаяверади. Мақсадимиз ҳамшаҳарларимизнинг дастурхонини бундан ҳам кўп турдаги нон маҳсулотларига тўлдиришдан иборатдир.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

*Мутахассис тушунтиради*

# СОЛИҚ ҚАНДАЙ ТЎЛАНАДИ?

***Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги жараёнида тадбиркорлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Бу яхши, албатта. Лекин тадбиркорликни бошлаётганларнинг аксарият кўпчилиги бозор иқтисодиётига хос солиқ тизими қонун-қоидаларини яхши ўзлаштирмаганликлари оқибатида солиқ мубоширлари билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган жисмоний шахслар ўртасида кўп ҳолларда тафовутлар келиб чиқмоқда. Шу боисдан ҳам мухбиримиз Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими масъул ходими Фурқат Тўланбоев билан ана шу хусусда суҳбатлашди.***

— Мустақил республикамиз бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан Ўзбекистон фуқаролари тадбиркорлик билан шуғулланиши жуда ҳам такомиллашиб бораяпти. Солиқ назоратчиларининг тадбиркорлар билан иш жараёнида келиб чиқадиган баъзи бир тафовутлар натижасини кўриб чиқадиган бўлсак, асосан тафовутлар ва эътирозлар ана шу тадбиркорларнинг солиқ қонунларини етарли даражада билмаганликлари туфайли вужудга келмоқда. Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган жисмоний шахслар иш фаолиятини қандай юритиш ва тартибларини қайтариб ўтмоқчиман.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишга қарор қилган жисмоний шахслар ҳар бир турар-жой ҳокимиятида рўйхатдан ўтказиш бошқармасидан алоҳида шуғулланиш учун қайд гувоҳномаси олишлари зарур. Қайд гувоҳномаси олингандан сўнг, шу туман солиқ идораси жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлимида уларга берилган дафтарни муҳрлаб беради. Бу дафтарда кундалик олиб бораётган фаолият кўрсатилади. Дафтар муҳрланиб олингандан сўнг бир ой муддатда фуқаро қандай фаолият кўрсатиши ҳаммаси дафтарда очиқ-ойдин қайд этилиши шарт. Бир ой ўтгандан сўнг беш кун муддат ичида фуқаро солиқ идорасига келиб, бир ойда қилган даромад тўғрисида ахборот бериши керак. Бу ахборот шу ҳисоб-китоб дафтари ва касса дафтарида кўрсатилган бўлиши зарур. Кўрсатилган даромадга асосан, солиқ мубоширлари бир йилга бўлган солиқни ҳисоблаб беришади. Кўрсатилган вақтдан бошлаб йилнинг чоракларига бўлиб чиқилади. Ҳар бир чоракда тадбиркор муддатидан кечикмаган ҳолда ўз ҳисоб-китоб ва касса дафтарларини кўрсатиб, даромад солиқларини тўлаши шарт. Муддатида келмаган ва даромад солиғини тўламаган тадбиркор жарима тўлайди. Муддатида тўланмаган солиқларга эса ҳозирги вақтда янги жарима термини пайдо бўлди. Бу «аргона» дейилади. Унга 0,2 фоиз миқдорида жарима пули тўланади. Яна бир янгилик ҳақида тўхталадиган бўлсак, 1 апрелдан бошлаб энг кам иш ҳақи 400 сўм қилиб белгиланди. Солиқ солинадиган миқдор эса 550 сўм бўлди.

Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларга яна бир марта тушунтириб ўтмоқчиманки, ҳақ-ҳуқуқларни ажратиш билан бирга бурчини ҳам тушуниб етмоқлари шарт. Агарда тадбиркор якка тартибда иш юритиб, фаолият кўрсатаётган бўлса, яъни масалан дурадгорлик қилаётган бўлса, у тайёрлаган маҳсулотини савдога олиб чиққан куни ўз ҳисоб-китоб дафтарига акс эттириши шарт. Акс эттирилгани билан сотилиши нархидан албатта харажат олиб ташланади. Буюм сотиб бўлингандан кейин соф даромад шу куннинг ўзида ҳисоб дафтарига ёзиб қўйилиши керак. Акс ҳолда сотишга олиб чиқилган буюм шу дафтарда қайд этилмаса, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахс жаримага тортилади. Яна бир мисол: ҳозирги вақтда бўш уйларини чет эл фуқароларига ёки бошқаларга ижарага бераётган уй эгалари бор. Улар ҳам қайд гувоҳномасига эга бўлишлари ва олаётган даромадларидан солиқ тўлашлари керак. Бунда қоида бўйича уй эгасининг ижарачи билан тузган шартномаси солиқ тизими ходимларига кўрсатилиши шарт. Бунда солиқ тизими мутахассислари уй эгасининг бир йилги даромад солиғини ҳисоблаб беради. Миллий таомлар, ўз автомобилидан, бозорга келган деҳқоннинг ҳосилини кўтара баҳода сотиб олиб сотаётган фуқаролар ҳам солиқ тўлашлари шарт. Ўз томорқасида маҳсулот етиштириб бозорга сотиш учун маҳсулотини олиб чиққан деҳқондан ёки фуқародан даромад солиғи олинмайди. Узлуксиз олди-сотди, устама ҳақ қўйиб ўз олдига бозор тадбиркори бўлишни мақсад қилган фуқаро, албатта қайд гувоҳномасини олиши шарт. Ана шундагина тадбиркорлик билан иш юритмоқчи бўлган кишилар ўз мақсадларига эришишлари мумкин.

Баҳодир МАҲМУДОВ суҳбатлашди.

*Кичик корхоналар фаолиятидан*

# МАҲАЛЛА ЭҲТИЁЖИГА ҚАРАБ

***Мирзо Улуғбек туманидаги тадбиркорларнинг олиб бораётган ишларидан аҳоли мамнун бўлмоқда. Чунки кичик корхоналар ташкил этилиб, айрим ишсизлар иш билан таъминлангани сари истиқомат қилаётганларнинг узоғи яқин бўлаётир.***

Бундан бир йил олдин Аҳмад Югнакий маҳалласи ўртасида бир пивохона бўларди. У ерда доимо пивонинг «ошнолари» тизилишиб, кўринганга гап отиб, одамларнинг асабини бузишарди. Атрофлари ифлос бўлиб ётган пивохона Турғунбек Соатовнинг ихтиёрига ўтгандан сўнг аста-секин гуллай бошлади. Тўғри, кимдир бу ишни қўллаб-қувватлади, кимдир қарши чиқди. Лекин Турғунбек ака ўз аҳдидан, яъни маҳаллада ободонлаштириш ишларини авж олдириш мақсадидан қайтмади. Натижада ўтган йилдан бошлаб қурилиш-таъмирлаш ишларини йўлга солди. Пивохона ўрнида тез кунда «Наргиз» деб номланган хусусий кичик корхона ташкил этилди.

— Ҳукуматимиз томонидан чиқарилган тадбиркорларнинг иш фаолиятини ривожлантириш тўғрисидаги қарорлар бизнинг ишимиз ривожига далда бўлди, — дейди хусусий корхона раҳбари Турғунбек ака Соатов. — Банкдан қарз-кредит олиб, уни яна тўлагунча анча вақт кетишини ҳисоблаб кўриб, ўз ҳисобимдаги беш хонали уйимизни оиламиздагилар билан келишиб сотиб юбордик. Мана шу уйнинг маблағи эвазига кичик корхонани ривожлантиришга киришдик. Энг аввало тандир қуриб унда сомса ёпишни, сўнг салқин ичимликлар сотишни ташкил этдик. Бир вақтнинг ўзида ҳордиқ чиқариши керак, деган тушунчада бўлишди. Бунисига ҳам ҳаракатимиз бор. Корхонамиз сал оёққа туриб олса, аниқ бир маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳам киришамиз. Ҳозирча маҳалламиздагилар нималарга эҳтиёж сезаётган бўлсалар шунга қараб иш кўраяпмиз.

Бўлиб ўтаётган тадбирларда хусусий корхонамиз томонидан имкониятимизга қараб ўз ёрдамимизни аямаяпмиз. Лекин ҳали олдинда қиладиган ишлар жуда кўп. Ўзим ҳам анча ишларни амалга оширсам, деган умид билан яшамоқдаман. Масалан, маҳалламиздаги кичик чойхонани кенгайтириб отахонлар чойхонасига айлантирсам ҳамда шинамгина миллий таомлар ошхонаси ташкил этсам, деган режаларим бор. Бу режаларим амалга ошса, энг аввало шу ерда истиқомат қилаётган маҳалладошларимга, оиламга ва келажак авлодга нафи тегади деган умиддаман.

Ҳусан БАРАТОВ.

